

Асосий капиталга инвестициялар 2018 йил январь-июнь ойларида

Рақамлар:




**Асосий капиталга
киритилган
инвестициялар ҳажми
4537,1 млрд. сум**

Ўсиш суврати 59,1%

Жорий даврда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 4537,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 59,1 % ташкил этди.

Молиялаштиришнинг манбалари бўйича таҳлил қилинганда, жорий даврда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми чет эл инвестиялари ва кредитлари – 2488,8 млрд. сўм ёки 54,9 % , корхоналарнинг ва аҳолининг ўз ҳисобидан эса 1509,4 млрд. сўм, ёки 33,3 % жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳисобига тўғри келади.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар тақсимланиши




2018 йил январь-июнь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 256,8 млрд. сўм ёки 5,7 фоиз, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан эса 4280,3 млрд. сўм ёки 94,3 фоизни ташкил қиласди.

■ марказлашган

■ марказлашмаган

Асосоий капиталга киритилган инвестицияларнинг
умумий ҳажмига нисбатан молиялаштириш
манбаларининг таркиби, %

Марказлашган




■ Республика бюджети

■ Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар

■ Давлат мақсадли фондлар

Марказлашмаган




■ Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар

■ Корхона ва ташкилотлар маблағлари

■ Аҳоли маблағлари


■ Тижорат банклари кредитлари ва бошқа карз маблағлари

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби, умумий ҳажмдаги улуши %



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича 3311,3 млрд. сўм ёки 73,0% қурилиш-монтаж ишларига ўзлаштирилган бўлса, машина, ускуналар ва жихозларни харид қилишга 599,1 млрд. сўм ёки 13,2% ва бошқа харажатларга 626,7 млрд. сўм ёки 13,8% инвестициялар ўзлаштирилган.


Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, жамига нисбатан фоизда



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмидан 3611,5 млрд. сўм ёки 79,6 фоиз – янги қурилишга, 464,5 млрд. сўм ёки 10,2 фоиз – кенгайтириш, реконструкция, модернизация я қилиш ва техник қайта қуроллантиришга ва 461,1 млрд. сўм ёки 10,2 фоиз – бошқа йўналишларга тўғри келади.

- Янги қурилиш
- Кенгайтириш, реконструкция, модернизация
қилиш ва техник қайта қуроллантириш
- Бошқа йўналишлар

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби(млрд.сум)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибидаги юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек тоғ-қон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2791,1 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 61,5 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 2775,6 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 61,2 фоизи табий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой қурилишига – 15,7 %, ташиш ва сақлашга – 5,9 %, ишлаб чиқарадиган саноатига – 3,8% ,сув таминотига 2,7% ва бошқа фаолият турларига – 10,4 % тўғри келади.

Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ва арzonлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширирлиши ҳамда аҳоли томонидан якка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

4010,5

2488,8

2017 й. январь-июнь


2018 й. январь-июнь

■ Хорижий инвестиция ва кредитлари млрд.сум

Хорижий инвестиция ва кредитлари


2018 йил январ-июнь ойларида 2488,8 млрд. сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг умумий хажмининг 54,9 % хорижий инвестиция ва кредитлари ҳисобидан амалга оширилган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 41,2 фоизни ташкил қилган. Шундан хорижий инвестицияларнинг ҳажми 2426,6 млрд. сўмни ташкил қилган.

Асосий капиталга инвестициялар туманлар кесимида




Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий ҳажми тоғ-кон саноатига 2416,6 млрд. сўм тўғри келиб, бу инвестициялар Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари бўйича ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ.

Иқтисодий фаолияти турлари бўйича хорижий инвестициялари ва кредитлари, млрд. сўм.



Объектларни ишга тушириш.



- Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 670,2 минг кв.м, бўлган 3880 та туар жой обекти янги қурилиб ишга туширилган бўлиб, улардан умумий майдони 528,0 минг кв.м. бўлган 3259 таси қишлоқ жойларда жойлашган. Намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 13,2 минг кв.м. бўлган 200 та туар жой қуриб битказилиб, ишга туширилди.

- Коммунал хўжалиги соҳасида 754,8 км. сув тармоқлари, ва 5,3 км. газлаштириш тармоқлари ишга туширилиб, ҳаммаси қишлоқ жойларига тўғри келади. Ишга туширилган сув тармоқларинг асосий улуши Олот туманига тўғри келиб, бу “Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларининг сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси билан боғлиқ.
- 2018 йил январь-июнда касб-хунар коллажларни реконструкциясига 2954,8 млн. сўм, умумтаълим мактабларни янги қурилиши ва реконструкциясига эса 19051,5 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу таълим соҳасида ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 56,3 фоизини ташкил қиласди.